

*Юртим, осмонингда мунаввар қуёш --*
*Фарзандлар кўксида ловуллаган чўғ,*
*Эй нури аждодлар жонига жондош,*
*Ҳурсан, мағрурсан, юксак ва улуғ!*

*Дейдилар илдиздан кўкарса чинор*
*Бургут қанотила топаркан камол,*
*Сенинг шиддатингда тўлиш фасли бор,*
*Эй дунё кўкида порлаган Ҳилол!*




# "Алп Жамол" ФИРМАСИ

## Янги йил олдидан

**арзонлаштирилган нархларда қуйидаги маҳсулотларни таклиф этади:**

*СИНО совутгичлари (Ўзбекистон).*
*БК-2300, БК-2500 маиший кондиционерлари (Озарбайжон).*
*Hitachi маиший кондиционерлари (Япония).*
*York маиший кондиционерлари (АҚШ).*
*Ҳар хил турдаги теле-, видео- ва аудиотехникаси.*
*DAEWOO совутгичлари (Жанубий Корея).*
*Нафис мебеллар (Белорусь).*
*Осма шифтлар ва чироқлар (Испания).*
*Сара кафеллар (Испания ва Эрон).*
*Бўртма тунукалар (профнастил).*
*Спорт либослари.*
*"Янги йил совғалари" шоколад маҳсулотлари TUFFIN (10 хил).*
*"Di Parkent - FARITAL" шампан винолари (Ўзбекистон-Италия).*
*Қуруқ хушбўй ҳид таратувчи воситалар (АҚШ).*

**Тўлов йўли: харидор билан келишилган ҳолда.**

Бизнинг манзилимиз:
**Тошкент шаҳри, Мустафо Камол Отатурк кўчаси, 21-уй. "Зарафшон" ресторани рўпарасида.**

Телефонлар:
**(3712) 36-02-48, 33-47-25, 33-04-02.**
**Факс: (3712) 40-66-87.**

*Азиз юртдошлар, тадбиркорлар, корхона, муассаса ва ташкилот раҳбарлари Алп Жамол фирмаси сизларни яқинлашиб келаётган 1997 йил билан табриклайди, ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, ишларингизда катта муваффақиятлар тилайди.*




СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ❖ СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ❖ СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ❖ СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ❖ СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ❖ СЎРАГАН ЭДИНГИЗ ❖

***ЗАГСдан ўтмай турмуш қурдим ва фарзандлик бўлдик. Аммо қизимнинг отаси яқинда уйдан кетиб қолиб, менга моддий ёрдам бермай қўйди. Нима қилсам бўлади?***

***В. КАРИМЖОНОВА,***
***Самарқанд вилояти.***

Сиз оталик фактини белгилаш ҳақида эрингиз яшаётган туман судига даъво ариза берасиз ва биргаликда яшаганлигингизни билган, кўрган 2 ёки 3 нафар гувоҳ буни тасдиқлаш учун судга боришлари керак. Бирга яшаганлигингиз ва умумий хўжалик юритилгани ҳақида улар Ўзбекистон граждан процессуал кодексининг 274 ва никоҳ ва оила кодексининг 68-моддаларига асосан оталик факти аниқлангандан кейин сизга алимент ундириш ҳақида суд қарор чиқариб беради.

* * *

***Прокуратура терговчисининг устидан шикоят қилса бўладими? Хусусан, унинг тергов ишидан биз норози бўлсак.***

***Р. ЮСУПОВ,***
***Термиз шаҳри.***

Бу тўғрида сиз, албатта, Ўзбекистон жиноят процессуал кодексининг 358-моддасига асосан прокуратура терговчисининг устидан шаҳар прокурори номига шикоят қилишингиз мумкин. У текшириб, даъвонгиз тўғри ёки нотўғрилигини аниқлаб беради.

**Саволларга ҳуқуқшунос З. МУҲАММАДЖОНОВ жавоб берди.**

*1996 йил -- Амир Темур йили*

# ОЛТИ ЮЗ ЙИЛДАН КЕЙИНГИ ТАШРИФ



***Халқимизнинг ўзлигига қайтиши, ўзлигини танишининг қутлуғ ва буюк бир нуқтаси борким, эндиликда биз уни шараф ва ифтихор билан, ғурур ва қониқиш ила сўзлаймиз. Ота юртимизда, она Ватанимизда миллатимизнинг маънавий-маърифий, руҳий ва эътиқодий инқилоби республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг Буюк Амир Темур ҳайкали этагидаги алвон лентани қирққан дақиқадан бошланди...***

Биз мустақиллик дея аталмиш улуғ илоҳий неъматга не қадар руҳан, иймонан ҳозир бўла олмаганимиздек, маънавиятимиздаги бу туб бурилиш дамларида ҳам бу чексиз тарихий воқеанинг туб моҳиятини англаб етмоқнинг остонасида эдик. Буюк Турон юртида олти юз йил топталган адолат қад ростлаган, миллатнинг олти юз йиллик бузиб кўрсатилган тарихи ярим ҳақиқат ва олий даражадаги виждонсизлик ботқоғидан тортиб олинган эди. Эндиликда бу қудратли ҳақиқатни, миллий ғурур ва адолатнинг тикланганини кўрган ғанимлар кўзи қамашмоқда. Улар ҳам нотабиий тузум ва сохта ғоялар қурбони ўлароқ нотўғри фикрлашга ўрганиб қолганларини эндиликда тавба-тазарру ила эътироф этмоқдалар.

Рим империясидан бурун халқни қурултойлар воситасида бошқариб келган, ўша даврда илк бор парламент ташкил этган авлодларимиз руҳига содиқ халқимиз дунёвий ҳақиқатлар сари дадил одимлаб бормоқда. Улуғ Темур ва темурийлар музейининг очилиши ҳамда бу қутлуғ сананинг дунёвий байрами ўша маънавий инқилобнинг олий нуқтаси бўлди. Фикрлаши, мушоҳада қуввати турлича бўлган кишилар ҳам эндиликда бу чексиз улуғ ватаний ишнинг, бу ҳақиқий миллий мустақиллик пойдевори бўлмиш тадбирни англаб етмоқдалар.

Улуғ бобомиз тўйи шарофати ила юртимизга дунёнинг барча бурчакларидан олимлар, шоирлар ва зиёлилар ташриф буюрдилар. Улар бу буюклик ва маҳобат олдида лол эдилар.

-- Бундай маънавий-маърифий тадбирларни қойилмақом қилиб ўтказмоқ гапнинг очиғи манман деган давлатнинг ҳам қўлидан келмайди, -- деди машҳур турк шоири, Туркия бош вазирининг маслаҳатчиси Шукри Қорача.

Темур каби унинг авлодлари қилаётган ишлардан ҳайратда эдилар улар. Турк халқларининг энг буюк ҳоқони, саркардаси ва маърифатпарвари Амир Темурнинг бул қадар улуғланиши, тарихий ҳақиқатнинг тикланиши халқларимиз кўнглини тоғдек кўтарди.

Измир шаҳридан келган тарих фанлари доктори, профессор, Эгай университети тарих бўлимининг раҳбари Исмоил Аканинг қувончи чексиз эди. Бевосита республика ҳукуматининг, жумладан Бухоро вилоят ҳокимиятининг моддий рағбати билан унинг саксонинчи йилларда ёзилган «Буюк Темур давлати» асари «Чўлпон» нашриётида ўн минг нусхада чоп этилди. Профессорнинг «Иккинчи Темурий ҳукмдор Шоҳруҳ» китоби ҳам Туркияда чоп этилганини мамнуният билан билдирди.

Туркия жумҳуриятининг қардош халқлар бўйича давлат вазири, филология фанлари доктори, профессор Айваз Кўктемур жаноблари айтган хушхабардан барчамизнинг дилимиз қувончга, кўксимиз ғурурга тўлди.

-- Бундан бир қанча муддат бурун Измир шаҳар ҳокими Бурхон Ўзфатурабекнинг ташаббуси билан шаҳар кўчаларидан бирига буюк бобомиз Амир Темурнинг табаррук номи берилган эди. Бу янгилик Измир шаҳри ҳаётида жуда катта янгилик сифатида қабул қилинганди. Сабаби Измир шаҳри ва Измир қалъасини ёғийлардан бизга улуғ аждодимиз Амир Темур ҳазратлари олиб берганлар. Усмонли қўшинлари эллик йил урушиб уни ололмаган. Энг характерли томони шундаки, Темур Усмонли турк салтанатини Улуғ Турон давлатига қўшар экан, барча ўлка ва бекликларга ўша ерлик, халқ истаган кишиларни ҳоким қилиб тайинлаган. Измирни эса Ойдинўғиллари авлодига қолдирган. Бу юртни ўз Ватани каби кўриб, унинг бирор бир бойлиги ёки бир парча ерига кўз тикмаган. Биз ана шу қондошлик, миллатдошлик ва ватандошликнинг рамзи ўлароқ улуғ ватанпарвар инсон жаноб Бурхон Ўзфатура билан биргаликда фикрлашиб, Измирнинг гўзал бир ерига улуғ Амир Темурнинг ҳайкалини тиклашга қарор қилдик. Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом Каримов ва Туркия Жумҳурияти президенти муҳтарам Сулаймон Демирел жаноблари бетакрор тарихий ҳужжат -- икки халқ ўртасидаги абадий дўстлик ҳақидаги шартномага қўл қўйганларида бу савобли иш дилимиздан ўтган эди. Зотан жаҳонда тенги йўқ бу тарихий англашма илдизи бир халқларимиз меҳр-муҳаббати, айрилиғу дийдорлашувига қўйилган мангу маёқ каби бир ёдгорликдир... Улуғ бобомиз Амир Темур руҳи ҳам бизни яна хайрли ишларга даъват этади.

Ҳа, Туркияга олти юз йил бурун кириб келган улуғ бобомиз соҳилини Мармар, Эгай ва Қора денгиз ювиб турган ўлка Измирга, Туркияга яна бирлик, дўстлик ва қардошлик тимсоли сифатида ташриф буюрмоқда.

**Нурали ҚОБУЛ.**


# Азиз ўзбекистонликлар!

***Минтақавий банк ўқув маркази банк-молия соҳаси ходимларини ва республикамизнинг барча фуқороларини кириб келаётган янги йил билан қизғин табриклайди.***

***Сизларни 1997 йилда қизиқарли ва сермазмун ўқув дастурларимиз ҳамда АҚШ, Европа ва Марказий Осиё мамлакатларидан таклиф этилган юқори малакали мутахассисларимиз билан таништириш ниятидамиз.***

***Сизларга мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат ва ишларингизга ривож тилаймиз. Дунёнинг барча эзгу ниятлари ҳамиша ҳамроҳ бўлсин!***

***Минтақавий банк ўқув маркази***



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ

# ҲУҚУҚИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИШ МАРКАЗИ



ЭНГ МАЛАКАЛИ ҲУҚУҚИЙ ХИЗМАТЛАР

**Сиз учун:**

- Сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз ва манфаатларингизнинг давлат ва назорат, суд идора маҳкамаларидаги муҳофазаси;
- Фуқаролик, жиноий ва маъмурий ишлар бўйича адвокат ҳимоячилар;
- Сизнинг буюртмаларингиз бўйича аудиторлик текширувлари;
- Сизни қизиқтирган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни етказиб бериш;
- Мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналарни барпо этиш ва рўйхатдан ўтказиш;
- Ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиси сифатида рўйхатдан ўтказиш, валюта ҳисоб рақамини очиш;
- Ҳуқуқий ва аудиторлик фаолияти билан шуғулланиш учун мутахассисларни қайта тайёрлаш.

*Биз сизга бугунги кунда ишонч берамиз ва келажакда хатолардан асраймиз!*

**Манзилимиз:** *Тошкент ш., Себзор кўчаси, 1.*

**Телефонлар: 40-44-04, 40-50-02, факс 40-47-37.**


# ЯНГИ ЙИЛ АРЧАСИНИ ЎРНАТИШ ВА БАЙРАМНИ ЎТКАЗИШ ДАВРИДА ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШ ҲАҚИДА ПОЙТАХТИМИЗНИНГ БАРЧА КОРХОНА, ТАШКИЛОТ, МУАССАСАЛАР РАҲБАРЛАРИГА ҲАМДА ШАҲАР АҲОЛИСИГА МУРОЖААТИ

Башанг ясатилган янги йил арчаси ҳар хил чироқлар ёғдусида янада гўзал қиёфа касб этади. Айниқса, арча узра отилган поқилдоқлардан сочилган ранг-баранг қоғоз қорлар янги йил арчасига бетакрор гўзаллик бахш этади. Минг афсуски, шодон ва хушнуд чеҳраларга баъзан ғамгинлик соя солади. Янги йил кечалари гоҳида хавфли ёнғинлар билан тамом бўляпти. Янги йил оқшомида юз берган ёнғинлар таҳлили шуни кўрсатяптики, жуда кўп ҳолларда ёнғин қўлбола ёриттичлар, бенгал оловлари, олов чиқарадиган арча поқилдоқларидан болаларнинг нотўғри, билар-билмас фойдаланишлари оқибатида келиб чиқяпти.

Ёнғиннинг олдини олиш учун баъзи бир қоидаларга риоя қилиш лозимлигини эслатиб ўтамиз.

Оммавий янги йил тадбирлари ўтказиладиган хоналар асосан биринчи ёки иккинчи қаватларда жойлашган бўлиши ва ташқарига чиқиладиган иккита эшиги бўлиши лозим. Бундан баланд қаватларда янги йил тадбирларини ўтказиш тавсия қилинмайди. Байрам тадбирлари ўтказиладиган жойлар яқинидаги махсус бурчакларда ёнғинга қарши асбоблар: ўт ўчиргичлар, кигиз, намат ва шу кабилар тайёр туриши лозим.

Арчалар мустаҳкам тагликларга ўрнатилиши ва у эшик, турли асбоблар ва иситиш батареяларидан чеккароққа ўрнатилиши зарур. Унинг шохлари парда ва дарпардалар, иссиқ материал ва нарсаларга асло тегиб турмаслиги керак. Арчаларни безашда фақат заводларда тайёрланган электр жиҳозларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Карнавал костюмлари, ўйинчоқлар, поқилдоқлар ёнғинга қарши восита билан ишлов берилган дока ва пахтадан тайёрланган бўлиши керак.

Костюмларни тайёрлашда ва арчани безашда берголе тузи, магний ва бошқа иссиқ материаллардан фойдаланиш, байрам давомида шам ёқиш бенгал олови ва мушаклар ёқиш ман қилинади.

Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, қуруқ ва узоқ вақт туриб қолган синтетик арчаларнинг аланга олиши жуда осон. Бундан ташқари сунъий арчалар ёнғинда ўзидан инсон саломатлиги учун хавфли бўлган заҳарли газ чиқаради.

Янги йил арча байрамларини катталар назорати остида, одамлар оммавий қатнашадиган жойларда эса маъмурият навбатчиси ва ёнғинга қарши курашга жавобгар шахслар иштирокида ўтказиш даркор. Шунингдек, бу жойда ёнғинга қарши кўнгиллилар отрядларининг аъзолари ҳам бўлишлари мақсадга мувофиқ.

Янги йил байрам тадбирларини ўтказувчилар куйишнинг олдини олишни махсус ўрганган шахслар бўлишлари лозим. Шунингдек, улар ёнғин вақтида одамларни эвакуация қилиш йўлларини ва ёнғинга қарши ўт ўчириш воситаларидан фойдалана билишлари лозим.

Агар бахтсиз тасодиф туфайли арча ёки электр симлари ёна бошласа шошиб қолманг, совуққонлик билан энг аввало электр манбаини узинг. Синтетик материаллардан тайёрланган сунъий арчаларга ўт кетса, уни сув билан ўчирманг, балки унинг устига қалин материал ёпинг. Табиий арчаларни эса сув ва бошқа ёнғинга қарши воситалар билан ўчиришга ҳаракат қилинг. Ёнғинга қарши ёрдам -- 01 га тезлик билан телефон қилишни эсдан чиқарманг.

Энг сўнгги истагимиз, янги йил арча байрами хонадонингизга фақат шодлик олиб келсин.

**Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси.**




*«Қувамебель» акционерлик жамияти ўзининг барча акциядорлари ва харидорларини Янги йил байрами билан муборакбод этиб, акционерларга 20 декабрдан 1996 йилнинг 6 ойлик дивидент пули берила бошлаганини эълон қилади.*




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки жамоаси Тошкент шаҳар бошқармаси операция бўлимининг собиқ бошлиғи
**Нигмон МАҲМУДОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекистон фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси бошқарув кенгаши уруш ва меҳнат фахрийси
**Ориф АБЗАЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ҳамда қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент Автомобиль ва йўллар институти жамоаси ижтимоий фанлар маркази бошлиғи профессор Х. Исамуҳамедовга онаси
**Маъфура ТУРСУНБОЙ қизининг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзагроқурилиш» бирлашмаси бошқаруви ва жамоаси «Навоивилоятагроқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раисининг иқтисод масалалари бўйича муовини
**Жошўлат ҲОСИЛОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзагроқурилиш» бирлашмаси жамоаси бирлашманинг муҳосиблик ҳисоби, ҳисоботи ва солиқлар бўйича бош бошқарма бошлиғи
**Фан РЕЗЯПОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор қиладилар.

«Ўзбекгидрогеология» давлат гидрогеологик корхонаси ва ГИДРОИНГЕО институтининг жамоаси, институтнинг етакчи илмий ходими Агзам Акрам ўғлига отаси
**Акрам ЯҚУБХЎЖАЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент педиатрия медицина институти жамоаси 2-чи жарроҳлик касалликлари кафедраси доценти
**Абдуқаҳҳор АБДУРАҲМОНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўздавқишлоққурилишлойиҳа» институти жамоаси институт директори Муҳиддин Умаровга акаси
**Ваҳоб УМАРОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси жамоаси «Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг қурилиши бўйича корхонаси» директорининг ўринбосари
**Ўлмас МАҲМУДОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент шаҳар «Алгоритм» акционерлик жамияти жамоаси бош технолог
**Нурмуҳамед ЎРАЗБАЕВнинг**
вафоти муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг ишлаб чиқариш-услубий бирлаш бошқармаси жамоаси бошқарма инженери
**Тоҳир КАМОЛОВнинг**
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.




ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир: Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

***БЎЛИМЛАР:***
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

**МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

**Навбатчи муҳаррир —О. Раҳимов.**
**Навбатчи —Р. Жумаев.**
**Мусаҳҳиҳ — А. Худойқулов.**

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0711 35460 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.** **Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.** **Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.** **Босишга топширилди — 01.40**

1 2 3 4 5 6